

Қиёматнинг маҳкамаси қонунларидан



14:30 / 04.11.2021 3497

1. (У Кунда, у ерда) махфийлиги бўлмаган делолар, ошкор этиш тақиқланган ҳужжатлар бўлмайди («ўта махфий», «конфиденциал», деган муҳрларсиз): «...ва қиёмат куни унга китоб чиқарамизки, унга очилган ҳолда рўбарў бўлур». (Исро сураси, 13- оят).
2. Кучайтирилган қўриқчилар кузатуви остида келтирилиш: «Ва ҳар бир жон ҳайдагувчи ва гувоҳлик берувчи билан келди». (Қоф сураси, 21-оят).
3. Зулм, ноҳақлик имконсиз: «...ва Мен бандаларга зулм қилгувчи эмасман». (Қоф сураси, 29- оят).
4. Бу ерда сизни ҳимояловчи адвокат, ҳимоячи бўлмайди: «Китобингни ўқи, бугунги кунда сен ўзингга ўзинг ҳисобчиликка кифоя қилурсан (дейилур)». (Исро сураси, 14-оят).

5. Пора бериш, ўртага воситачи қўйиш имконсиз: «У кунда на мол манфаат берар ва на болалар». (*Шуаро сураси, 88-оят*).
6. Бошқаларнинг ўхшаш исми шарифлари билан адашиб кетилмайди: «Роббинг унутгувчи бўлмаган». (*Марям сураси, 64-оят*).
7. Кўрсатмани қўл билан ҳамда нутқ ила қабул қилиб олинади: «Бас, кимнинг китоби ўнг тарафдан берилса, у, мана, менинг китобимни ўқиб кўринглар... Албатта, мен ҳисоб-китобимга йўлиқишимга ишонардим, дейдир». (*Ал- Ҳааққаҳ сураси, 19-20-оятлар*).
8. Ғоибона, йўқ шахсга ҳукм қилинмайди: «Албатта, барчалари тўпланган ҳолларида ҳузуримизга ҳозир қилингайлар» (*Йасин сураси, 32-оят*).
9. Ҳукм устидан кассация ёки апелляция тартибидаги шикоятлар бўлмайди, яъни ҳукм ўзгартирилмайди: «Менинг ҳузуримда гап ўзгармас...», деди». (*Қоф сураси, 29- оят*).
10. Ёлғонгувоҳлик, «шаҳадатуз зуур» бўлмайди: «Бугунги кунда уларнинг оғизларига муҳр урамиз. Нима касб қилганларини Бизга қўллари сўзлар ва оёқлари гувоҳлик берур». (*Йасин сураси, 65-оят*).
11. Унутиб қолдирилган иш ҳужжатлари, файллар бўлмайди: «Аллоҳ ҳисоблаб турган, улар эса унутганлар. Ҳолбуки Аллоҳ ҳар бир нарсага шоҳиддир». (*Мужодала сураси, 6-оят*).
12. Амалларга ўта дақиқ, тўғри тарозулар белгиланган: «Биз қиёмат кунини учун адолат тарозуларини қўюрмиз. Бирор жонга ҳеч қандай зулм қилинмас. Агар (амал) ачитқи донаси оғирлигича бўлса ҳам, келтирурмиз. Ҳисобчиликда Ўзимиз кифоя қилурмиз». (*Анбиё сураси, 47-оят*).

Манба: *arabic.uz*